



Каттакўрғон шаҳар “Марказий геология геофизика экспедецияси”
Давлат корхонасига 100,0 гектар ер майдонини ёрдамчи хўжалик
юретиш, иссиқхона ва боғ ташкил этиш учун ажратиш тўғрисида

“Марказий геология геофизика экспедецияси” Давлат Корхонаси бош директори А.В.Головко шаҳар хокими номига хат билан мурожаат этиб, унда Ингичка кўрғони худудидаги бугунги кунда фойдаланилмасдан турган, экин экиш учун яроқсиз бўлган, тошлоқ ер майдонларини ободонлаштириш, ёрдамчи хўжалик юретиш, иссиқхона ва боғ ташкил этишлик учун 100,0 гектарини ажратиб беришни сўраган. Шаҳар хокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2018 йил 2 майдаги хулосаси, Ўзбекистон Республикаси “Ер Кодекси”нинг 57 моддаси ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6 ва 25 моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Каттакўрғон шаҳар хокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2018 йил 2 майдаги хулосаси тасдиқлансин.
2. “Марказий геология геофизика экспедецияси” Давлат корхонасига собиқ “Ингичка кони” ОАЖ фойдаланувида бўлган ва ҳозирги кунда Каттакўрғон шаҳар хокимлиги захира ер майдонлари ҳисобида бўлган Ингичка кўрғони худудидаги фойдаланмасдан турган тошлоқ тоғ олди худудидан 100,0 гектар ер майдони ёрдамчи хўжалик юретиш, иссиқхона ва боғ ташкил этишлик учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан берилсин.
3. Ушбу қарорни тасдиқлаш вилоят хокимидан сўралсин.

Шаҳар хокими

М.Хашимов